O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

БУГУНГИ СОНДА:

**ИШ БОР ЖОЙДАН НУҚСОН ИЗЛАМАНГ!**
ёки «Адолат» газетасида босилган «Ғуссдаги жамоатчилик қабулхонаси» сарлавҳали мақолага «Ўзбекистон овози» мухбирининг ғалати муносабати хусусида
1–2

**ҚИШЛОҚЛАРНИНГ ЯНГИ КЎРКИ**
Бу уй-жойлар Тошкент шаҳридаги «Binokorqurilishta`minot» хусусий корхонасининг 150 нафардан зиёд қурувчилари томонидан бунёд этилди.
3



**МЕҲРИНГИЗ ИФОРИ**
ҳамон димоғимда, онажон
4



Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «ADOLAT» SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

№ 19 (774)
2010 йил, 30 апрель, жума

adolat_sdp@doda.uz

## Ижроия Қўмита йиғилиши

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ижроия Қўмита аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва партия фаоллари иштирок этди.**






# МАСЪУЛИЯТ ВА ТАШАББУСКОРЛИК

## партия фаолиятини янада жонлантиради

Йиғилишда дастлаб, «Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Уставининг янги таҳрири тўғрисида»ги масала юзасидан «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати раҳбари Равшан Ҳайдаров сўзга чиқди.

Устав — сиёсий партиянинг ташкил этилишидан кўзланган мақсад ва вазифаларини, фаолият йўналишини, унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланади. «Адолат» СДП ўзининг Уставини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга асосан 1995 йил 18 февралда партиянинг биринчи таъсис Қурултойида қабул қилган эди.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва одил фуқаролик жамиятини барпо этиш сари босқичма-босқич кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад – ҳар бир инсон учун муносиб бўлган ҳаёт ва турмуш шароитларини ҳамда унинг кафолатларини яратишдан иборат бўлди.

Таъкидлаш жоизки, сиёсий соҳада амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар фаолияти тубдан жонланди. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида қабул қилинган, халқаро андозаларга жавоб берадиган ҳуқуқий асослар сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базасини яратиб, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мавқеини, ваколатларини янада кенгайтириш ва фаолияти самарасини ошириш борасида янги имкониятлар яратди.

Жамиятимиздаги муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ифода этадиган Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ҳозир юртимиз ҳаётида тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Халқ орасида ўз дастури ва ғояларини тарғиб қилиш, фаоллигини ошириш ва кенгайтириш билан бирга, ўз аъзолари ва тарафдорлари сонини кўпайтириш, шу тариқа жамиятимизда ўз таъсирини кучайтириш имконига эга бўлмоқда. Шу боиски, партия Устави давр билан ҳамоҳанг такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги ҳамда «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунлар талабларидан келиб чиқиб, 2006 йилнинг 18 январида партия Уставининг янги таҳрири қабул қилинган эди.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун жамиятимиз ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаолликни, жамоатчилик назоратини оширишга, кенг кўламли ислоҳотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадли вазифаларини бажаришда, ижро этувчи ҳокимият томонидан ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири, қолаверса, масъулиятини кучайтиришга олиб келди. Шу сабабли 2008 йилнинг бошида Конституциявий Қонун асосида партиянинг ҳозирда амалдаги Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

– Амалдаги партия Устави қабул қилингандан буён ўтган давр оралиғида, — деди Равшан Ҳайдаров, — партиямиз фаолиятида қатор ижобий ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, бошланғич партия ташкилотлари ва аъзолар сони кўпайди. Партия электорати, яъни у аҳолининг қайси қатламлари манфаатини ифода этиши аниқлаштирилди. Ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда партия иштироки бирмунча жонланди. Айниқса, электорат хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда, партиянинг сайловолди дастурида партия ташкилотлари олдига аниқ вазифа ва мақсадлар қўйилди. Шу билан бирга, Конституциявий Қонун талаблари ҳамда муҳтарам Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида сиёсий партиялар олдига қўйилган устувор йўналишларни ҳаётга янада тўларoқ татбиқ этиш мақсадида партия структурасини такомиллаштириш, жойлардаги партия ташкилотлари ваколатлари ва вазифаларини янада аниқлаштириш, молиявий-хўжалик фаолиятини такомиллаштириш сингари кечиктириб бўлмайдиган вазифалар турибди.

(Давоми 2-бетда.)

## ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН.** Худудда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган дастлабки 100 та уй-жойлар калитлари ўз эгаларига топширилди.

Хўжайли туманидаги Ойбек, Элликқалъадаги Қилчинок, Қўнғиротдаги Гулистон, Кегейлидаги Қизил уй, Нукус туманидаги Узункўл қишлоқларининг ҳар бирида 20 тадан ортиқ замонавий турар-жойлар қурилиши учун 511 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Айни кунларда Оролбўйидаги бошқа туманларда ҳам кўркам уй-жойларни бунёд этиш ишлари жадал давом этмоқда.

**ҚАШҚАДАРЁ.** «Тошкент — Термиз» Халқаро автомагистрал йўлининг 323 километр узунликдаги қисми Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудига тўғри келиб, ҳозир унинг 58 километрида тупроқ ишлари, 28 километрлик масофасида эса қайта қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Жанубий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослашаган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси йўлсозлари бу ерда жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 220 минг куб метрдан ортиқ тупроқ ва салкам 96 минг куб метр шағал ишлари бажаришди.

**НАМАНГАН.** Шербулоқ қишлоғи (Наманган тумани)да маҳаллий хомашёдан ойига 65 минг донагача шифер ишлаб чиқарувчи корхона фаолият кўрсата бошлади.

Лойиҳа қиймати 300 миллион сўмлик ушбу корхонада ҳозирча 30 киши меҳнат қилмоқда. Йил охирига бориб, улар сони яна 20-25 кишига ошиши мўлжалга олинган. Муҳими, корхона шу йил охирига қадар вилоятдаги қурилиш ташкилотларига 720 минг дона шифер етказиб бериш юзасидан буюртмалар олди.

**ТОШКЕНТ.** Ботаника боғида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Экосан» халқаро жамғармаси, «Чинор ЭНК» экологик нашриёт компанияси ҳамкорлигида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз замини мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ресурсларини муҳофаза қилишга жамотчилик эътиборини қаратиш, ёшларда экологик маданиятни шакллантириш, экологик таълим ва тарбия каби қатор муҳим масалаларда ўзаро мулоқатлар бўлди.

## Семинар-кенгаш

# «АДОЛАТ» СДП:

## ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР БОСҚИЧИДА

**Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Андижон вилояти Кенгашининг «Адолат» СДП: жадал ислоҳотлар босқичида» мавзусидаги семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, туман ва шаҳар партия ташкилотлари раислари, БПТ етакчилари иштирок этди.**

Семинар-кенгашни вилоят партия Кенгаши раиси вазифасини бажарувчиси Муҳаммадшукур Юсупов кириш сўзи билан очди.

Таъкидландики, бугун Ўзбекистон «Адолат» СДП ва унинг ҳудудий ташкилотларидан босиб ўтилган йўлга танқидий кўз билан боқиб, тегишли хулосалар чиқариш, кўзланган мақсад сари дадил интилиш талаб этилмоқда. Бунда электорат билан ишлаш механизмини такомиллаштириш ва фаолият самарадорлигини таъминлашга қаратилган режаларни ҳаётга татбиқ этишга жиддий эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ўз ўрнида, жамиятда кечаётган жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланиш ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Сафларида 5 минг нафардан зиёд партиядошларни бирлаштирган вилоят партия Кенгаши фаолиятига мана шу нуқтаи назардан қараганда, вилоят партия ташкилоти томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Аммо...

— Вилоятдаги партия ташкилотлари етакчилари, фаолларимиз янада ташаббускор бўлишлари керак, — деди Муҳаммадшукур Юсупов. — Чунки мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга, халқ ишончини оқлашга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бунга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар жараёнида яна бир бор амин бўлдик. Ушбу муҳим сиёсий жараён вилоятдаги айрим туман ва шаҳар Кенгашларида ижро интизоми бўшлигини, партия етакчиларининг ташкилотчилик қобилияти етарли даражада эмаслигини кўрсатди. Бунинг натижасида вакиллик органларида кўзланган депутатлик ўринларини эгаллашга муваффақ бўла олмадик.

Семинар-кенгашда вилоятдаги партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган назарий ва амалий машғулотлар олиб борилди. Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар талабидан келиб чиққан ҳолда, партия олдида турган долзарб вазифалар, шунингдек, партиявий фаолиятни олиб боришнинг замонавий шакл, усул ва услублари ҳақида атрофлича мулоҳаза юритилди. Ҳудудий Кенгашлар ва бошланғич партия ташкилотларида иш юритиш, аъзолик бадалларини йиғиш ҳамда партиявий тадбирларни уюштириш бўйича амалий тавсиялар берилди.

(Давоми 2-бетда.)

## Тадбир

# МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

**Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббусига кўра «Ўзтемирйўлмаштаъмир» корхонаси ишчи-хизматчилари билан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асари мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган тадбир ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзолари, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» корхонаси раҳбарлари, мутахассислари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.**

(Давоми 3-бетда.)

## Мавзуга қайтиб

# ИШ БОР ЖОЙДАН НУҚСОН ИЗЛАМАНГ!

### ёки «Адолат» газетасида босилган «Ғуссдаги жамоатчилик қабулхонаси» сарлавҳали мақолага «Ўзбекистон овози» мухбирининг ғалати муносабати хусусида

Очиғи, Ургут туманининг туриш-турмуши, фикрлаши билан ажралиб турадиган Ғусс қишлоғи ва «Адолат» социал-демократик партияси вакилларининг бу тоғолди ҳудудидаги ўзгаришлардаги иштироки ҳақида лўнда, самимий эътирофларимизни ёзиб ҳамкасблар таънасига учраймиз, деб кутмаган эдик. Лекин, «Ўзбекистон овози» газетасининг биринчи саҳифасидан бошлаб «Муносабат» рукни остида шошилинч чоп этишга муносиб деб топилган **«Адолат» партиясининг жамоатчилик қабулхонаси – ростми ёки ёлғон»** сарлавҳали мақолани ўқиб, ҳалол партиявий рақобатчиликка ярашмайдиган ҳаракатдан таажжубга тушдик.

Мақола муаллифи «Адолат» СДПнинг Ғуссдаги ва Ургут туманидаги фаолиятини баландпарвоз гаплар ва мақтанчоқлик деб баҳоламоқчи бўлади. Муаллиф Ғуссдаги партиявий-сиёсий ишларни биздан кўра яхшироқ, синчиклаб ўрганган, партия фаоллари, жамоат ташкилотлари, ҳокимият вакиллари билан суҳбатлашиш асносида журналистик хулосаларини жамлаган бўлса кошкийди. Пойтахтдаги нуфузли таҳририятнинг хизматхонасидан ташқарига чиқмай, олис Ургут туманидаги жараёнларга билағонлик билан кўз югуртирмоқчи бўлган ҳамкасбимиз ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам иззага солиб қўйганини билармикан?

Мақола «Ўзбекистон овози»да чоп этилгандан сўнг Ургут туманига такроран хизмат сафарига чиқдик. Ғуссдаги маҳалла оқсоқоллари, «Адолат» СДП фаоллари, туман ҳокимлигининг масъул ходимлари, оддий фуқаролар билан учрашдик. Ана шу учрашув ва суҳбатлар асносидаги хулосаларимизни бугун яна сизнинг эътиборингизга ҳавола этишга жазм қилдик.

Даставвал, жамоатчилик қабулхонасининг ўзи мазкур баҳс-мунозарага сабаб бўлгани хусусида.

«Ўзбекистон овози» мухбири **«2009 йилги сайловолди сиёсий курашлар жараёнини кузатган бўлсангиз, ЎзХДП вакиллари Жамоатчилик қабулхоналари электорат муаммоларини ўрганиш ва уларга ёрдам беришда ўзига хос воситага айланганини гапирганда, рақиб** (рақобатчи демоқчи З.Т.) **партияларнинг айрим депутатлари бундай усул ҳеч қандай самара бермайди, деб иддао қилган эди. Қизиғи, «Адолат» СДП вакиллари ҳам бу фикрни маъқуллаганди...»** деб ёзади.

(Давоми 2-бетда.)

# МАСЪУЛИЯТ ВА ТАШАББУСКОРЛИК

## партия фаолиятини янада жонлантиради

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Шу каби муҳим вазифалардан келиб чиқиб, партиянинг V Қурултойида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Уставининг янги таҳририни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилиниб, ишчи гуруҳи тузилган эди. Айни пайтда ишчи гуруҳи томонидан янги таҳрирдаги партия Уставининг лойиҳаси ҳам тайёрланди.

Ижроқўм аъзолари мазкур лойиҳа юзасидан қизғин баҳс-мунозара юритдилар. Шундан сўнг, янги таҳрирдаги Устав лойиҳасини партия фаоллари ва экспертлари муҳокамасидан ўтказиш, муҳокамалар натижаси бўйича Уставнинг якуний таҳририни тайёрлаш ҳамда партиянинг навбатдаги Пленумига тасдиқлаш учун тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда, шунингдек, Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах ва Навоий вилоят Кенгашларининг 2010 йил биринчи чорагидаги устав фаолияти юзасидан ҳисоботлари муҳокама қилинди.

Дастлаб, Жиззах вилояти партия Кенгаши раиси М.Эшбековнинг маърузаси тингланди.

Ўтган давр мобайнида вилоят партия ташкилоти фаолиятида муайян ижобий ишлар қилинди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи чораги давомида 60 га яқин тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилиб, уларда 5 мингдан ортиқ фуқаролар иштирок этди. Жиззах шаҳрида, Мирзачўл, Пахтакор, Фориш туманларида уюштирилган тадбирлар аҳолининг сиёсий билимини юксалтириш, қишлоқ фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёшларни доимий иш ўринлари билан таъминлашга қаратилганлиги билан иштирокчиларда, айниқса, катта таассурот қолдирди. Хусусан, Жиззах шаҳрида вилоят партия Кенгаши ташаббуси билан Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Жиззах шаҳар маркази ҳамкорлигида ташкил қилинган меҳнат ярмаркасида ўнлаб корхона ва ташкилотлар юзлаб бўш иш ўринлари билан қатнашди. Унда юз нафардан ортиқ ёшлар муқим иш ўринларига эга бўлдилар.





Шунга қарамай, йиғилишда вилоят партия ташкилоти фаолияти танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди. Жумладан, вилоятда ўтказилган тадбирларда партия мақсад ва вазифаларини тарғиб қиладиган омиллар етарлича бўлмади. Шунингдек, вилоят партия ташкилотининг аъзолик бадалларини йиғиши талаб даражасида эмас. 2010 йил биринчи чораги давомида аъзолик бадаллари тушуми режаси бажарилмади. 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра аъзолар сони вилоятда 3091 нафарни ташкил этган бўлса, 2010 йил 1 апрель санасига ҳам ушбу рақам деярли ўзгармай қолмоқда. Бу эса партия аъзолари сонини ошириш борасида мақсадли тадбирлар ўтказилмаётганлигини кўрсатади.

Бугунги кунда вилоят партия Кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 2 та, маҳаллий кенгашларда эса 11 та депутатлик ўрнига эга. Имконият мавжуд. Етарлича шарт-шароитлар яратилган, халқ манфаатидан келиб чиқиб, партия ғояси асосида тузилган сайловолди дастури билан қуролланган. Энди фақат масъулият, ташаббускорлик керак, холос.

– Ҳозир вилоят партия Кенгашимиз таркибидаги қуйи ташкилотлар етакчилари ва фаолларини сиёсий ўқишларга жалб этиш фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқда, – деди вилоят партия Кенгаши раиси М.Эшбеков. – Бу йўналишни биз Кенгашимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистон «Адолат» СДП – жадал ислоҳотлар босқичида» номли семинар-кенгашда аниқ белгилаб олдик. Ушбу семинар-кенгаш асосида партия етакчилари ва фаолларининг иш самарадорлигини ошириш мақсадида назарий ва амалий машғулотлар олиб борилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар талабидан келиб чиққан ҳолда, вилоят партия ташкилотимиз олдида турган долзарб вазифалар, шунингдек, партиявий фаолиятни олиб боришнинг замонавий шакл, усул ва услублари ҳақида атрофлича сўз юритилмоқда. Ҳудудий Кенгашлар ва бошланғич партия ташкилотларида иш юритиш, аъзолик бадалларини тўплаш ҳамда партиявий тадбирларни уюштириш бўйича амалий билим ва кўникмалар берилмоқда. Туман, шаҳар партия ташкилотларимизда ўтказилаётган тадбирларимизда уларнинг қуйи тузилмалари фаолиятининг айни кундаги ҳолати ҳам таҳлил қилинмоқда. Шу асосда партиянинг жойлардаги қуйи тузилмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш имконияти яратилмоқда. Партия Сиёсий Кенгаши қарорларидан келиб чиқиб, жойларда кадрлар масаласига эътиборни кучайтирдик. Сиёсий билимдон, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган, партиямизнинг ғоя ва мақсадларини яхши биладиган, замонавий билимларга ва уларни ҳаётда қўллай олиш кўникмаларига уқувли кадрлар захирасини шакллантираяпмиз. Бир қатор туманларда ташкилий масалалар кўрилиб, ўз вазифасини лозим даражада уддалай олмаган ёки унга лоқайдлик билан ёндашган етакчилар лавозимидан озод этилди.

Йиғилишда Навоий вилояти партия Кенгаши фаолияти таҳлили ҳам мунозараларга бой бўлди. Вилоят партия Кенгашининг 2010 йил биринчи чорагидаги устав фаолияти юзасидан Кенгаш раиси ўринбосари Н.Расулов ахборот берди.

Навоий вилоятида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг уч мингга яқин аъзоси бор. 100 га яқин бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда.

Йиғилишда вилоят партия Кенгаши томонидан мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш, партия мавқеини янада ошириш, электорат билан алоқасини мустаҳкамлашга қаратилган 70 дан зиёд тадбирлар ташкил қилинганлиги алоҳида таъкидланди. Хусусан, "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ўтказилаётган лойиҳаларнинг амалга оширилиши жараёнларидан кенг аҳоли оммасини хабардор этиш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билимларини юксалтириш, атроф-муҳит ва экология масалаларига оид тадбирлар шулар жумласидандир. Айниқса, вилоят партия Кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» ташаббуси билан аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида касаначиликни кенг жорий қилиш ҳамда аёлларнинг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган амалий тадбирлар диққатга сазовордир.

Ижроқўм аъзолари вилоят партия Кенгаши фаолиятини гарчи қониқарли баҳолаган бўлса-да, ташкилот фаолиятидаги айрим хато ва камчиликлар танқид қилинди. Аъзолик бадали тушумининг пастлиги, партия фаолиятига ёшларни кенг жалб этиш бўйича камчиликлар мавжудлиги, бу борада "Ёш адолатчилар" Кенгаши фаолияти сезилмаётганлиги қайд қилинди.

Маълумки, сиёсий партиянинг қуйи ташкилотлари фаоллигини кучайтириш унинг иш самарадорлигини оширади. Бу, пировард натижада, партия нуфузини юксалтиришга, обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилади. Шу маънода, қуйи ташкилотлар фаолиятини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш Ўзбекистон «Адолат» СДП олдида турган энг долзарб ва муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу боисдан, Ижроия Қўмита йиғилишида фаолияти таҳлил қилинган вилоят партия ташкилотлари ишидаги хато ва камчиликларни бартараф қилишга хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар берилди.

Мажлисда партия ҳаётига доир бошқа бир қатор муҳим масалалар муҳокама қилиниб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
**«Adolat» мухбири.**
**Носир ҲАЙДАРОВ**
**олган суратлар.**

# «АДОЛАТ» СДП: ЖАДАЛ ИСЛОҲОТЛАР БОСҚИЧИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Тадбир ҳудудий партия ташкилотлари ва уларнинг қуйи тузилмалари фаолиятининг айни кундаги ҳолатини аниқлашга хизмат қилгани билан ҳам аҳамиятли бўлди. Шу асосда партиянинг жойлардаги тузилмалари ташкилий-сиёсий фаолиятини мукамаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш имконияти яратилди.

Бошланғич партия ташкилоти сиёсий партиянинг муҳим бўғини, негизи ҳисобланади. Ҳозирги кунда вилоятда «Адолат» СДПнинг 129 та бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. Бироқ, ҳудудлар бўйича таққослаганда, баъзи жойларда БПТлар сони нисбатан кам, иш самарадорлиги талаб даражасида эмас.

– Партиямиз электоратини ўйлантириб келаётган жойлардаги мавжуд социал-иқтисодий муаммоларни аниқлаш, уларнинг муқобил ечимларини топишда қуйи ташкилотлар фаоллиги ғоят муҳим ўрин тутади, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партия фракцияси аъзоси Ойша Охунова. – Демакки, олдимизда бошланғич ташкилотлар фаолиятини кескин жонлантириш чора-тадбирларини кўриш вазифаси турибди. Жумладан, партия аъзолари сонини ошириш, уларни қуйи ташкилотларда мустаҳкам бирлаштириш учун муайян ишлар қилиниши керак. Қолаверса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун талабларини ҳали тўлиқ бажараётганимиз йўқ. Бу ишларни амалга оширишимизда муҳтарам Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси дастуриламал бўлиб хизмат қилмоғи даркор.

Семинар-кенгашда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда вилоят партия ташкилотининг иштироки ҳам чуқур таҳлил қилинди. Айтиб ўтилдики, жорий йилнинг биринчи чораги давомида ёшларни ҳар томонлама баркамол авлод этиб тарбиялашга хизмат қилувчи 50 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирлар ҳатто вилоятнинг энг чекка ҳудудларини ҳам қамраб олди. Қишлоқ ёшлари иштирокидаги бундай тадбирлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Семинар-кенгашда вилоят партия ташкилотлари томонидан аъзолик бадалларини йиғиш талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Шу йилнинг биринчи чораги давомида аъзолик бадаллари тушуми режаси бажарилмаган Хонобод шаҳри, Шаҳрихон, Улуғнор, Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Олтинкўл, Пахтаобод ва Булоқбоши туман Кенгашлари фаолияти танқид қилинди.

Семинар-кенгашда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Фарҳод ЭРКИНОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

# ИШ БОР ЖОЙДАН НУҚСОН ИЗЛАМАНГ!

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Сайловолди сиёсий курашлар тараққиётини синчиклаб кузатганларга яхши маълумки, ЎзХДПга нисбатан бу эътирозни ЎзЛиДеП вакиллари билдиришган эди. Лекин гап жамоатчилик қабулхонаси очиб, унга ХДП ёрлиғини ёпиштириб қўйишда эмас. Қолаверса, жамоатчилик қабулхонаси айнан бизнинг ҳаракатларимиз маҳсули деб айюҳаннос солишда ҳам эмас. «Адолат» СДП маҳаллаларда, корхоналар ва ташкилотларда ўз бошланғич ташкилотларини тузиб, улар орқали ижтимоий-иқтисодий муаммолардан хабардор бўлишни, лозим топилганда, жамоатчилик назоратини амалга оширишни асосий мақсад деб билади. Шунинг ўзи «Адолат» СДПнинг жамоатчилик қабулхоналарига муносабатини англатмайдими?

Муаллиф **«Ўртагузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва айни чоғда «Адолат» СДП бошланғич ташкилоти котиби Ғаффор Раҳмонов «қишлокдошларининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир ўнлаб мурожаатлари ижобий ҳал этилишига ёрдам берган бўлиши мумкин. Чунки, бу фуқаролар йиғини раиси сифатида унинг вазифаси»** деб нописандлик билан хулоса чиқармоқчи бўлади. Бироқ, маҳалла оқсоқоли амалдаги дастурий ғояларини амалга оширишда ўз ҳуқуқ-ваколатларини кенгайтираётган экан, бунинг нимаси ёмон? Ахир, партиянинг дастурий режалари қишлоқда ижтимоий ҳаётни яхшилашга кўпроқ мос келишини англаб етгани учун ҳам Ғаффор Раҳмонов маҳалладан маслакдош излагани, бошланғич ташкилот тузиб, оз эмас, кўп эмас — 47 нафар партия аъзосини битта мақсад йўлида бирлаштиргани рақобатчи партия вакилларига хуш ёқмаятими? Ёки маҳалла фуқаролар йиғини ҳам юридик шахс мақомига эга эканлиги, шу боис ушбу тузилма раиси бошланғич партия ташкилотини тузиб, бошқарув идоралари эътиборини ижтимоий муаммоларга қаратиш мақсадида жамоатчилик назоратини амалга ошираётгани қонунга хилофми?

Мухбир бугун партия ташкилотлари олдига қўйилаётган талабларнинг асл моҳиятини англамай таъна тошларини отишда давом этади.

— Бизнинг энг катта ютуғимиз — маҳаллаларда доимий фаолиятни йўлга қўя олганимиз, фуқароларни ислоҳотларнинг чинакам иштирокчиси бўлишига ундаётганимиз, — деб таъкидлаган эди «Адолат» СДП туман Кенгаши раиси Раббим Эсонов, «Адолат»да босилган мақолада.

Ҳа, одамларнинг ислоҳотларга бўлган онгли муносабатига кўп нарса боғлиқ. Турмуш шароитларини ўзгартиришнинг асосий омили ҳам ана шу муносабатга бориб тақалади. «Адолат» СДП эса айни шу борада тарғиботни кучайтириб, фуқаролар қобилиятларини тўлароқ намоён этишга ундаяпти. Туман партия Кенгаши раиси ҳам ана шу фикрларни назарда тутиб гапирган ва «шу туфайли қишлоқлар ўзгариб саноатлашув жараёнлари кучаймоқда», деб изоҳ берган.

Бироқ, мухбир **«Маҳаллаларда доимий фаолиятни йўлга қўйиш, деганда нима назарда тутилаяпти? Ургут туманининг нечта маҳалласида «Адолат» СДПнинг бошланғич ташкилоти бор? 20 дан ортиқ қўшма корхонанинг партияга нима алоқаси бор?»** деб ёзади. Эҳтимол, муаллиф одамларни ислоҳотлар жараёнига сафарбар эта олиш — партия ташкилоти учун аҳамиятсиз иш деб ҳисоблар. Лекин...

«Адолат» СДП Ургут туман Кенгаши раисининг қуйидаги гаплари ҳам унга ғайритабиий туюлади:

«Ҳозирги кунда Ургутда 3 мингдан ортиқ хусусий бизнес ва тадбиркорлик субъектлари фойда ҳисобига ишлаяпти. Бу, ўз навбатида, ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига, янги иш ўринлари яратилишига ва партиянинг дастурий ғоялари рўёбга чиқарилишига хизмат қилмоқда».

Муаллиф «Адолат» СДПнинг дастурий ғояларидан дуруст хабардор эмасга ўхшайди. Акс ҳолда, у қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион технологиялар билан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш – партиянинг устувор вазифаси ҳисобланишини англаб етган бўларди. Лекин, муаллиф тусмоллаб хулоса чиқаришда давом этади ва **«...Туман партия Кенгашининг бевосита ташаббуси билан фақат шу йилнинг ўзида қуруқ мева, узум тайёрлаш цехлари очилиб, 200 нафар киши янги иш ўринлари билан таъминланди»,** деган жумлаларга хавотир билдиради. Ва, бу гапни либерал партия (либерал-демократик партия, демоқчи) вакиллари айтганида ҳам тўғри тушуниш мумкин эди, деб изоҳ бермоқчи бўлади.

Ана холос, муаллиф ЎзЛиДеП вакилларининг кароматига ишонадию, ўз партияси ёки «Адолат» СДП вакилларининг худди шундай қобилияти борлигига ишонмайди? Ахир, партияларнинг ислоҳотлар жараёнидаги ҳаракати учун қонунда тенг имконият ва ҳуқуқлар яратилган-ку!

Шундай саёз, таг-заминсиз гаплардан тап тортмаган мухбир Ургутдаги тадбиркорликни таҳлил этмоқчи бўлиб, «хонаки арифметика-си»ни ишга солади:

**«Бир кичик корхонада 8-10 нафар одам ишлашини назарда тутсак, демак «Адолат» партиясининг бевосита ташаббуси билан Ургут туманида шу йилнинг ўзида камида 20 та шундай субъект** (ҳисоб-китоблар муаллифники!) **ташкил этилган бўлади».**

Аввалامбор биз «Адолат»да босилган мақоламизда 20 та кичик корхона ҳақида эмас, яратилган янги иш ўринлари ҳақида гапирган эдик. Ургут туманига такрорий хизмат сафари чоғида ана шу иш жойларига бориб, уларнинг эгалари билан танишдик.

«Оиламизда 17 киши яшайди, — дейди Ўртагузар маҳалласида истиқомат қилувчи тадбиркор Эргаш Қодиров. — «Адолат» СДП туман Кенгашининг йўл-йўриғи, маслаҳати билан касаначиликни ўзлаштириб олдик. Майиз ва қуруқ мевани тозалаб, саралаб, қадоқлаб экспортга тайёрлаймиз. Ойига ҳар биримиз 500 минг сўмгача даромад олаяпмиз».

Шу қишлоқда яшовчи Орзу Қобилов маҳалладоши фикрини қувватлаб деди:

— Касаначилик туфайли оиламизда бир йўла 10 киши ишли бўлди. Биз ҳам қуруқ мевани экспортга тайёрлаймиз. «Адолат» СДП туман Кенгаши раҳбари Раббим Эсонов бу ишни бошлашимиздан олдин бизни солиқ соҳасидаги имтиёзлардан хабардор қилди. Компрессор пуфлагич топишга ёрдам берди.

Маматқул Амонов оиласидан 7 киши даромадли иш топганидан мамнун: «Ҳар биримиз 300 минг сўмгача маош олаяпмиз, — дейди хонадон соҳиби. — Агар «Адолатчи»лар бу ишга ундашмаганида рўзғоримизга бунчалик хайр-барака кирмаган бўларди.»

Сайёра Турсунова ва Шоира Шодиевалар оиласи эса касаначи-каштадўз. Улар ҳам ҳунармандчилик билан шуғулланиб, ҳар кечки пайт тўкин дастурхон атрофида жамулжам бўлаётганликларидан мамнун.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. «Ўзбекистон овози» мухбири эса «Адолат» СДП Ургут туман Кенгаши раисининг бу каби ташаббусларидан бехабар бўлатуриб, гоҳ ҳайратдан ёқасини ушлайди, гоҳ пешонаси тиришиб хавотирга тушади:

«Халқ депутатлари туман ва вилоят Кенгашларига сайланган олти нафар депутат «Адолат» СДПнинг ижро ҳокимиятидаги вакиллари сифатида бу каби ижтимоий-иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал этишга астойдил ҳаракат қилиб келмоқда», — деган жумлаларга эътибор қаратиб: «Наҳотки сиёсий партиянинг туман етакчиси ижро ҳокимияти билан вакиллик органининг фарқига бормаса?», — деб дўмбира чалади.

Фарқига боради! Аввалامбор, депутатликка сайланган 6 нафар «Адолат» СДП вакиллари ижро ҳокимиятига бевосита алоқадор бўлган кишилар. Хусусан, туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлимига қарашли кишилар. Яъни, уларнинг 3 нафари мактаб директори, бундан ташқари, 1 нафари солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосаридир. Шу боис, туман партия етакчиси депутатларнинг ижро ҳокимиятидаги мавқеи партиявий ишларни жонлантиришини назарда тутиб гапирган бўлса, не ажаб?

«Адолат»да босилган мақоладаги якунловчи жумлалар ҳам «Адолат» СДП туман Кенгашининг фаолиятини ўз хизмат хонасидан туриб таҳлил қилмоқчи бўлган мақола муаллифи — Беҳзод Шукуровга эриш туюлади:

«Хуллас, маҳаллий ҳокимиятда ишчан депутатлик корпусига (?), жойларда 2700 нафар партия аъзоси ва 42 та бошланғич ташкилотга эга бўлган «Адолат» СДПнинг туман Кенгаши ўзини янада салмоқли вазифаларни (?) ҳал этишга қодир, деб ҳисоблайди».

Бу гал қаламкаш дўстимизнинг ҳар жумла ёнига суянтириб қўйган сўроқларидан энсамиз қотса-да, мулоҳазаларимизни суҳбатдошларимизнинг қуйидаги хулосалари билан давом эттиришга қарор қилдик.

— Башарти, «Ўзбекистон овози» газетасининг мухбири Ургутга келиб биз билан учрашганида камчилик ва муаммоларимизни айтиб берган бўлар эдик, — дейди «Адолат» СДП туман Кенгаши раиси Раббим Эсонов. — Хусусан, ХДПнинг Ургут туман Кенгаши билан ҳамкорликда жойларда жамоатчилик назоратини амалга ошириш, партия гуруҳлари томонидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига таклифлар киритиш имконияти ҳақида гаплашардик. Афсуски мухбирнинг қочирмаларини ўқидигу, ўзини учратмадик...

Ургут туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Алиев ҳокимликнинг партиялар билан алоқаси амалий ҳамкорлик асосида давом этаётганини таъкидлайди. Хусусан, у «Адолат» СДП туман Кенгаши фаоллари ташаббуси билан бюджет маблағларини сарфламай, тадбиркор ҳомийлар иштирокида Ургут — Ғўсс автомобиль йўлининг 2 километрлик қисми равонлаштирилаётганини айтди.

Туман ҳокимлиги ташкилий ишлар бўлими раҳбари Маҳбуба Шарипова халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳлари ўз фаолиятларини жонлантиришаётгани ва улар тобора жиддийроқ масалаларни кун тартибига олиб чиқишаётганини таъкидлайди. «Адолат» СДПдан бир йўла 2 нафар депутат маҳаллий Кенгашнинг икки соҳасида доимий комиссия раиси сифатида фаол. Хусусан, ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари комиссияси раиси Мадина Баратованинг изланувчанлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Депутат ҳозирги кунларда туманнинг сераҳоли Почвон қишлоғида бўлиб, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги бўйича зарур маълумотлар тўплаётир. Шу асосда туман Кегашининг навбатдаги сессиясига мазкур масала бўйича алоҳида таклиф киритилиши белгиланган.

«Адолат» СДПнинг яна бир вакили, депутат Исом Шарипов эса ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси сифатида туман халқ таълимини такомиллаштиришда партиянинг дастурий ғояларига суяниб аниқ таклифлар тайёрламоқда.

Демак, «Адолат» СДПнинг маҳаллий Кенгашлардаги ва ижро ҳокимиятидаги вакиллари туман тараққиёти учун масъулиятни сезадиган, ҳозиржавоб кишилар. Улар электорат манфаатларининг амал қилиши учун астойдил бел боғлашган.

Шундай мулоҳазалардан сўнг республика матбуотчилигида кўп йиллик тажрибага эга отахон газета — «Ўзбекистон овози»нинг гўдакона хархашаси ўқувчини ҳайрон қолдирмайдими? ЎзХДП нашри бировга таъна-дашном беришдан олдин ўз партиясининг аҳволидан хабар олгани маъқул эмасми?

ЎзХДПнинг Ургут туман Кенгаши ва унинг шу ердаги жамоатчилик қабулхонасига одамлар негадир камроқ кириб чиқишаркан. Туман партия Кенгаши раиси Хосиятхон бу ҳолни сайловлардан кейинги хотиржамлик, сиёсий танаффус билан изоҳламоқчи бўлди.

Жамоатчилик қабулхонасига кимлар, қандай масалалар билан мурожаат қилишаяпти, деган саволларимизга партия етакчиси «Афсуски, биздаги мурожаатларни қайд этиш дафтари ҳозирча бўш», дея қисқача жавоб қилди. Маълум бўлишича, партия Кенгашига ва унинг жамоатчилик қабулхонасига фақат сайловлар арафасида ташрифлар кўпаяр экан...

Ана сизга партия Кенгаши, унинг жамоатчилик қабулхонаси ҳақида мавзу. Шундай бўлатуриб ўзгалар ҳақида кўрмай-нетмай мақола ёзиш, иш бўлаётган жойдан иллат қидириш инсофданми? Ёзманг демаймиз, ёзинг. Аммо ростини ўйлаб, рақобатни кўзлаб, соз ёзинг! Токи, самимий танқидингиздан дил яйраб, вужудимиз ҳушёр тортсин. Билъакс, мақсадни англамай тош отиш — ЎзХДПга ҳам, унинг матбуотига ҳам обрў келтирмайди.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

Парламентда

# ЯНГИ АВЛОД БИЛАН МУЛОҚОТ

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси ва партиянинг «Ёш адолатчилар» Кенгаши ташаббуси билан «Фуқаролик жамияти позицияларини мустаҳкамлашда ёшларнинг иштироки» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда партия фракцияси аъзолари, «Ёш адолатчилар» Кенгаши аъзолари, олий таълим муассасалари талабалари, ёшлар ташкилотлари вакиллари иштирок этди.***

Давра суҳбатини партия Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаров кириш сўзи билан очди. Партия етакчиси мамлакатимизда ҳар томонлама етук авлодни камол топтириш мақсадида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар тўғрисида тўхталаркан, ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади:

– Маълумки, юртимиз аҳолисининг 64 фоизидан ортиғини ёшлар ташкил этади. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир”. Шундай экан, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ёшларни сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялашга ҳисса қўшиши зарур. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ҳам ёшларнинг барча жабҳалардаги ислоҳотларда кенг ва фаол иштирокини таъминлаш, жамиятда кечаётган ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан ёндашиш туйғусини шакллантириш мақсадида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

«Адолат» СДП томонидан сўнгги йилларда бу борада олиб борилган ишлар ҳамда яқин келажакдаги режалар хусусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракцияси аъзоси Умид Жуманиёзов ўзининг «Ёшлар манфаатини ифодалаш ва уларни амалга оширишда Ўзбекистон «Адолат» СДП олдида турган долзарб вазифалар» мавзусидаги маърузасида батафсил тўхталди.

– «Адолат» социал-демократик партияси ёшларни ўзининг ижтимоий соҳадаги сиёсати марказига қўяди, – деди маърузачи. – Ёшларнинг салоҳиятини Ватан равнақига йўналтиришни ўз вазифаси, мақсади деб билади. Бу вазифани муваффақиятли бажаришда ёшларнинг ўзларини кўрсатишлари учун мавжуд шарт-шароитларни доимий равишда яхшилаб бориш талаб этилади. Шу боис, партия мазкур талабга жавоб берадиган қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди. Ва қонун лойиҳаларини ҳар томонлама пухта, пишиқ бўлиши учун ёшларнинг фикрини ҳам ўз вақтида ўрганиб боради. Бинобарин, ёшларимиз орасида билимдон, интилувчан, иқтидорли ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Демак, ёшларга нафақат ишонч билдириш, балки уларга ўзларини амалда тўла намоён этишлари, бор билим ва салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари учун кенг имкониятлар яратиш кутилганидан ҳам яхши самара беради.

Дарҳақиқат, тадбирда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлари, фикр-мулоҳазалари билан фаол қатнашди.

– Бугунги тадбир менда катта таассурот қолдирди, – деди Юнусобод тумани «Ёш адолатчилар» Кенгаши аъзоси Г.Ибрагимов. – «Адолат» СДПнинг ёшлар масаласига доир амалга ошириб келаётган ишларидан хабардорман. Партия ёшларни ҳамма вақт қўллаб-қувватлайди, улар фикри билан ўртоқлашади. Бугун бунинг яна бир карра гувоҳи бўлиб турибман.

Ёшлар ва депутатлар ўртасидаги самимий мулоқотлардан сўнг фаол ёшларга Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг фахрий ёрлиқлари топширилди.

Давра суҳбатидан сўнг ёшлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари ва депутатлар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

**Фарҳод ЭСОНОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

# МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Обид Юнусов, «Адолат» СДП Тошкент шаҳар партия Кенгаши раиси Фарида Пармонова, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, Миробод туман партия Кенгаши раиси Тошпўлат Матибоев ва бошқалар 2008 йилда бошланган, бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб, чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг сабаб ва оқибатларини тўғри баҳолаш ҳамда шу асосда унга қарши самарали чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш масаласи дунё миқёсида долзарб муаммога айланаётганлигини таъкидлашди.

Айни кезда бу борада Юртбошимиз раҳнамолигида инқирозга қарши мукаммал Дастур ишлаб чиқилиб, барча соҳада мазкур дастур асосида бугунги кунда муваффақиятли фаолият олиб борилаётганига, Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, банк-кредит тизими барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлашга эътибор ҳар қачонгидан кучайтирилганига, хусусан, банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилиб, сўнгги 2 йил ичида тизимнинг умумий капитали икки баравар кўпайганлигига алоҳида урғу бериб ўтилди. Натижада, мамлакатимизда нафақат ишлаб чиқаришнинг ўсиши кузатилмоқда, балки янги-янги қувватлар фойдаланишга топширилиб, иқтисодий самарадорлик салоҳиятининг тобора ошиб бориши кузатилмоқда. Кўплаб давлатлар ўтган 2009 йилни жиддий зарар билан якунлаган мураккаб бир шароитда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани бугунги кунда дунё ҳамжамияти қизиқишини орттирмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, инновацион лойиҳаларни кенг жорий этиш ишлари жадал давом этмоқда.

— Дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистон тажрибасига қизиқиши, — деб таъкидлашди маърузачилар, — шу йил 12 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган «Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)» мавзусидаги Халқаро илмий конференция тафсилотларида ҳам яққол намоён бўлди. Айни шу намоённинг ўзи ҳам давлатимиз раҳбари асари мазмун-моҳиятини бутун мағзи билан ёркин ифодалаб турибди...

Тадбир сўнгида темир-йўл машинасозловчилари жамоасининг Ўзбекистон «Адолат» СДП сафларига қабул қилинган ўнлаб ёш ишчиларига партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

— Кўп йиллик тарихий анъаналарга эга корхонамиз жамоаси таркибида бугунгача 180 нафар Ўзбекистон «Адолат» СДП аъзолари бор эди, — дейди фахр билан партияга аъзолик гувоҳномасини олатуриб ёш ишчи Муҳаммадкарим Султонов. — Мана, бугун улар сафи 200 нафарга яқинлашиб қолди. Биз «Адолат» СДПга ишонамиз. У – бизнинг партия, бизнинг сиёсий кучимиз, айни кезда, биз ҳам ўзимизни унинг ишончли электорати қатлами ҳисоблаймиз...

Шундан кейин «Адолат» СДП Тошкент шаҳар ҳамда Миробод туман партия Кенгашлари ҳамда корхонада фаолият юритаётган БПТга сиёсий-ижтимоий ишлари билан фаол ёрдам бераётган фаолларга партиянинг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Бир сўз билан айтганда, учрашув мароқли ўтди.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Adolat» мухбири.**



***Суратда:*** *учрашувдан лавҳа.*

Бугуннинг гапи

## Партия нашрлари:

# БУГУНГИ ҲОЛАТ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу жараёнда республикамиздаги мавжуд сиёсий партиялар матбуот нашрларининг роли қандай бўлиши керак? Бугунги кунда партиялар нашрлари фаолияти давр талабларига нечоғлик жавоб бера олади? Партия газеталари мундарижасини янада бойитиш, уларда берилаётган материалларни ҳам салмоқ, ҳам сифат жиҳатидан яхшилаш учун қандай ишлар амалга оширилиши лозим?

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда партия нашрларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги давра суҳбатида ана шу саволларга жавоб изланди. Тадбир иштирокчилари – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва экспертлар ҳамда партия нашрлари ходимлари кун тартибидаги масалани атрофлича муҳокама қилдилар. Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда, партия нашрлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ўз фикр-мулоҳазалари, таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

Давра суҳбатида кейинги пайтда партия нашрларида сифат ва сон кўрсаткичлари бирмунча яхшиланганлиги алоҳида эътироф этилди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан олиб борилган мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, жорий йилнинг дастлабки уч ойи давомида ЎзХДП нашрлари – «Ўзбекистон овози» газетасида 1652 та, «Голос Узбекистана» газетасида 336 та, ЎзЛиДеП нашри – «XXI аср» газетасида 774 та, «Адолат» СДП нашри – «Адолат» газетасида 591 та, ЎзМТДП нашри – «Миллий тикланиш» газетасида эса 502 та турли рукн ва жанрлардаги материаллар босилган. Шундан, масалан, жамоатчилик ва парламент назорати мавзусидаги мақолалар сони «Ўзбекистон овози»да – 17 та, «Голос Узбекистана»да – 9 та, «XXI аср»да – 5 та, «Адолат»да – 8 та, «Миллий тикланиш»да 5 тани ташкил этган.

Дарҳақиқат, ушбу нашрларда сиёсий партиялар ва уларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари, шунингдек, ҳудудий ҳамда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ёритишга катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ, бу ижобий ўзгаришлар бугунги кун талаби даражасида эмас. Хусусан, сиёсий партияларнинг мафкураси, ғоя ва мақсадлари, партияларaро ёки фракциялараро баҳс-мунозаралар маҳорат билан акс эттирилган мақолаларни етарли деб бўлмайди. Шу билан бирга, партия нашрлари саҳифаларида бошланғич ташкилотлар, ўз-ўзини танқид, жамоатчилик назорати мавзуларидаги материалларга ҳам кам жой ажратилмоқда. Қолаверса, газеталарни саҳифалаш ва дизайни борасида бир қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Тадбир иштирокчилари ҳозирги кунда сиёсий партияларнинг матбуот нашрлари олдида ўта масъулиятли вазифалар турганлигини алоҳида қайд этдилар. Партия нашрларида кўзга ташланаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш, газеталар таҳририятларида ишлаётган журналистларнинг малака ва маҳоратини мунтазам ошириб боришни йўлга қўйиш, улар ишини самарали ташкил этишга қаратилган таклифлар илгари сурилди.

Давра суҳбати якунида бундай тадбирларни доимий равишда ўтказиб боришга келишиб олинди.

**Камол АЛЛАЁРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

Ислоҳот ва самара



# ҚИШЛОҚЛАРНИНГ ЯНГИ КЎРКИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан «Қишлоққурилишинвест» инжиниринг компанияси иштирокида жойларда намунали лойиҳалар асосида замонавий турар жойлар қурилиши жадал олиб борилаяпти.

Қишлоқ жойларда умргузаронлик қилаётган пойтахт вилоятининг Бўка туманида ҳам қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, замонавий ва кўркам уй-жойлар бунёд этишга катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, тумандаги «Чиғатой» ҚФЙнинг Жоғойбойли маҳалласида ҳамма қулайликларга эга 4 хонали йигирмата (12 таси икки қаватли) уй-жой ўз эгаларига топширилиш арафасида турибди.

Қурилишига 1 миллиард 300 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилган бу уй-жойлар Тошкент шаҳридаги «Binokorqurilishta`minot» хусусий корхонасининг 150 нафардан зиёд қурувчилари томонидан бунёд этилди. Улар пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган қишлоқ аҳолиси учун якка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмасининг намунали лойиҳалари асосида тикланиб, пудрат ишларининг пухта ва ихчам бўлиши олдиндан тўла кафолатланган. Лойиҳаларнинг қишлоқ одамлари диди ва талабларига мослиги молиявий ечимларга ижобий таъсир кўрсатди.

– Турар жой биноларидаги ошхона, ётоқхона, дам олиш хонаси, болалар хонаси ва меҳмонхоналарнинг ҳар бири алоҳида дизайн асосида қад кўтарди, – дейди «Binokorqurilishta`minot» хусусий корхонаси раҳбари ўринбосари Отаниёз Исломов. – Уй ичкарисида санитария ҳолатига тўла мос келадиган ванна, душхона, замонавий сантехника, электр анжомлари, иссиқ ва совуқ сув, ҳамда иситиш тармоқлари маҳаллий шароитга мослаштириб жойлаштирилди. Ҳовли атрофи девор билан ўралган, саҳнига дов-дарахтлар экилган, йўлаклар асфальтланган...

Энг қувонарлиси, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириб, уларга кўрк ва ободлик бағишлаган бу уй-жойлар аҳолига, айниқса, ёш келин-куёвларга имтиёзли кредит асосида берилмоқда. Туман аҳли Юртбошимизнинг юқорида тилга олинган қарори ва қарор асосида олиб борилаётган ишлар ижросидан бениҳоя хурсанд.

**Ғулом ХИДИРОВ,**
**«Adolat» мухбири.**

**Суратларда:** *қурилиш корхонаси иш юритувчиси Ражаббой Бекчонов (чапдан иккинчи) мутахассислар билан сўнгги ишларни кўриб чиқишмоқда; янги уйлар шундай кўркам ва қулай.*

**Муаллиф олган суратлар.**

Давра суҳбати

# ХОТИН-ҚИЗЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

*Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишда хотин-қизлар ва ёшлар иштирокини фаоллаштириш омиллари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар Ахборот-таҳлил маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этишди.*

*Давра суҳбатида мамлакатимизда хотин-қизлар, ёшлар ўз имкониятларини тўлиқ намоён қилишлари учун қулай ижтимоий-маънавий муҳит яратилганлиги алоҳида эътироф этилди. Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати К.Ҳамидова, университет ректори Р.Қосимов, «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши «Аёллар қаноти» аъзоси М.Шарипова ва бошқалар хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга доир ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.*

Тадбирни ўтказишдан мақсад – аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, соғлом турмуш тарзи ва фуқаролик позициясини шакллантиришда партия ташкилотларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўқув юртлари, туман хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорлигини кучайтиришдан иборат. Маълумки, мамлакатимизда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда асосий аҳамият оила, хотин-қизлар ва ёшлар муаммолари, уларни ҳал этиш ҳамда ҳимоялашга қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида аёллар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, айниқса, бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Шуни айтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 51 фоизидан кўпроғини аёллар ташкил этади ва улар жамият тараққиётининг қудратли омилига айланиб бормоқда.

Тадбир иштирокчилари хотин-қизлар ҳуқуқларининг конституциявий асослари, аёлларнинг ҳуқуқий онгини юксалтиришнинг айрим назарий масалалари ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида «Адолат» СДП «Хотин-қизлар қаноти» аъзоларининг иштирокини кучайтириш ҳамда фаоллигини оширишга доир масалаларни қизғин муҳокама қилдилар.

**Дилором ЖУМАНИЁЗОВА,**
**«Adolat» мухбири.**

## МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

*Ўзбекистон Миллий университетида «Аждодлар мероси – келажак пойдевори» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.*

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган танловда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ғолибликни қўлга киритган 14 та жамоа иштирок этди.

Танловда иштирокчилар она юртимиз тарихи ҳақидаги билимларини синовдан ўтказиб, тарих фанидан тезкор савол-жавоблардан ўтишди. Ҳудуддаги аҳолининг урф-одатлари, машғулотлари ва этнографияси ҳақида маълумот беришди.

Танлов якунига кўра, олий ўрин Наманган вилоятининг «Бобурмирзо» жамоасига насиб этди. Хоразм вилояти биринчи, Фарғона ва Бухоро иккинчи ҳамда Навоий, Сирдарё, Сурхондарё вилоятлари жамоалари учинчи ўринни қўлга киритди.

**Ўз мухбиримиз.**

9 Май – Хотира ва қадрлаш куни

# МЕҲРИНГИЗ ИФОРИ

## ҳамон димоғимда, онажон

Тонг шивирлайди...

Кўзларимни очаман. Юзларимга баҳорнинг майин шабодаси урилади. Димоғим кўклам исини туяди.

Йўқ! Бу сизнинг жаннатий ҳидингиз, мен ҳеч қачон тўймай, бот-бот симирган ифорингиз бу, она! Онажонгинам!

Билмаган эканман: меҳрингиз тафти оловлигини, юрагингиз тилла эканлигига ақлим етмабди. Бизни ҳаммамизни суйибсиз, эркалабсиз, бошимиздан қалб кўрингиз тўкибсиз-у, ўзингизга келганда...

Ҳа, сиз фақат биз учун ўн бир нафар чуғурчиқларингизни ўйлардингиз, ягона қайғунгиз бизнинг бекам-кўст улғайишимиз, комил инсон бўлиб вояга етишимиз эди. Қуёшга, ойга тиним бор эдию, сизга тиним йўқ эди, онажон. Ҳали хўроз қичқирмй, саҳармардон уйғонардингизда, ҳеч қачон адо бўлмайдиган рўзғор юмушларига шўнғиб кетардингиз: мол-ҳол, кир-чир, супур-сидир... новвой отамизга ҳам қайишиб кетардингиз.

Онажон, маҳалламиз одамлари доим фақат отам иккингиз ёпган нонларни сотиб олишарди. Эҳ-ҳе, тўй-маърака бўладими ё бирор бир маросимми — ҳаммаси сиз пиширган нонсиз ўтмасди. Сизнинг бармоқларингиз, меҳрингиз тафти сингиган кафтларингиздан чиққан ширин кулчаларни одамлар мақтаб-мақтаб еганларини, сизни алқашганини, кекса бобо探ларнинг дуо қилганини ўз кўзим билан кўрганман. Ана шу дуолар сизни элга суюкли қилди, худо суйган банда бўлдингиз. Бир этак бола (етти нафар ўғил, тўрт нафар қиз)дан этак-этак набиралар кўрдингиз...

Онажон, сизни шу қадар соғинганимни энди сизни буткул йўқотгач ҳис қилаяпман. Бугун роппа-роса бир йил тўлди. Уч юз олтмиш беш кун ...

Уч юз олтмиш беш кун сиз-сиз яшадим. Шунча кун сиз-сиз тонгларим отди, шомларим ботди. Хўрсинишлар, аламлар, армонлар... Доғда қолдим, она!

Мен дунё кезган жаҳонгашта эдим. Оёқларим қадам қўймаган юрт қолмади ҳисоб. Ҳар гал хориждан қайтганимда таассуротларимни сизга дилим тўлиб-тошиб, завқланиб ҳикоя қилиб берардим. Энди афсусланаяпман. Лоақал, бирорта шаҳарга сизни олиб бормапман... Сизнинг ҳам ахир завқланишга, юрт кўриб яйрашга ҳаққингиз бор эди-ку, она...

Онажон! Соғинч азобидан-да ортиқ азоб йўқ экан. Мана, ҳозир суратингизга термулиб туриб, юрагим сел-сел бўлиб кетаяпти. Сиймонгиз кўз олдимда, ширин суханингиз, майин овозингиз қулоғим остида қайта-қайта жаранглаяпти.

Ўзимни ҳаёлан бағрингизга отиб, оташ нафасингиздан элиб кетаман. Гўё момиқ қўлларингиз билан сочимни силайсиз. «Ўғлим, дейсиз эркалаб. — чарчабсан, даминг-ни олсанг-чи, иш ўлгур тугамайдики, шундан бери келмайсан? Неча кунлаб кетиб қоласан. Юрагимни ҳовучлаб тураман. Она кўнглини билмайсан-да, болам?! Сен шаҳарда, мен бу ерда — ҳавотир оламан-да, болам...»

Онажон! Дилимни бир армон тиғлайди... Ҳануз ўзимни кечира олмайман. Ўшанда шифохонада эдингиз. Соат кечки 8 лар эди. Олдингизга бордим. Ҳаёл суриб ўтирардингиз. Мен сиз учун олиб келган узукни бармоғингизга тақдим. Хурсанд бўлиб кетдингиз. Шугина нарса кайфиятингизни кўтарганидан ўзимнинг ҳам кўнглим чоғ бўлди. Нари-бери суҳбат қурдик. Шу... шу учрашув сўнгги эканини билганимда эди... Эҳ... Рози-ризолик сўрамадим сиздан. Биламан, онажон, сиз ҳаммамиздан рози бўлиб кетдингиз. Бирортамиздан гина-кудратингиз йўқ. Лекин... лекин ўз оғзингиздан розилик эшитиш, мен учун ҳамма бойликлардан ҳам зиёд бойлик бўларди, Онажон.

...Онажон, доим тилак билдирардингиз: «мен кўрган қора кунлар сизларни бошларингизга тушмасин», — деб. Биламан, онадан эрта етим қолгансиз. Ўгай она қўлида тарбия топгансиз. Ундан кейин урушнинг даҳшатли кунлари, қаҳатчилик... қора меҳнат. Ана шундай оғир замонларда сизни тоблаган, шаънингизни улуғлаган, эл орасида хурмат топтирган омил — меҳнат ва яна меҳнат бўлди. Бизни ҳам доим меҳнаткаш, меҳнатсевар бўлишга ундадингиз, ҳаммамизни маълумотли, касб-корли бўлишимизга замин яратдингиз... Афсус, минг афсус бу миннатдорчиликни сизни бугун анча кеч, ортингиздан айтаяпман.

.Онажон! Тонг шивирлаяпти. Кўзларимни очаман. Баҳорнинг майин шабодаси юзларимга урилади, димоғимда кўкламнинг иси... Йўқ! Бу сизнинг жаннати ҳидингиз, мен ҳеч қачон тўймаган, қонмаган, аммо бот-бот симирган меҳрингиз ифори. Она.., онажон.., онажоним...

**Тоҳир АБДИЕВ,**
**Яккабоғ тумани.**

2010 йил *Баркамол авлод йили*

# ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ

Тошкент фармацевтика институтида Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан «Ёшлар жиноятчиликка қарши» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Ушбу тадбир «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ижросига бағишланди.



Тадбир доирасида мустақилликнинг дастлабки даврларидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг нутқларида минтақада хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликка қарши таҳдидларни бартараф этишга доир масалалар юзасидан билдирилган амалий таклиф ва ташаббуслари, трансмиллий хавфлар бўлмиш терроризм, диний экстремизм ва наркобизнесга қарши кураш, «Оммавий маданият», «Инсон ҳуқуқлари ҳимояси» ниқоби остида кириб келаётган хавфли таҳдидларга қарши самарали курашда ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Айни пайтда мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлашда ташқи таҳдидлардан ҳимояланиш ва уларнинг олдини олиш билан бирга, ички хавфсизлик муаммоларига ҳам жиддий эътибор қаратиш, бу жараёнда миллий урф-одатларимиз ва жамиятимизга зид бўлган нуқсон ва иллатлардан халос бўлиш, коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик кўринишларига қарши курашиш ва албатта, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлидаги ислоҳотларни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш айниқса зарурлиги муҳокама қилинган масалаларда кўрсатиб ўтилди.

Ушбу конференцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш, бу борадаги ҳуқуқий ва амалий асослар, глобал муаммо ҳисобланган одам савдоси, мазкур муаммога қарши курашнинг ҳуқуқий асослари ва олини олиш чора-тадбирлари, аср вабоси бўлган гиёҳвандлик, диний экстремизм ва терроризмнинг давлат ҳамда фуқароларга таҳдидлари ҳамда бу каби долзарб муаммоларнинг ечимлари, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти ҳамда ёшлар ҳуқуқларини муҳофаза қилишда ички ишлар идораларининг роли каби долзарб мавзуларда мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг масъул ходимлари, Тошкент фармацевтика институтининг профессор ўқитувчилари ва талабалари, институт қошидаги академик лицей ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар.

**Эминжон ЮЛДОШЕВ,**
**«Adolat» мухбири.**

Фақат футбол ҳақида

## «ОСИЁ КУБОГИ-2011»: ЎЙИННИ БИЗ БОШЛАБ БЕРАМИЗ



**Келаси йилнинг январь ойида Қатарда бўлиб ўтадиган қитъа чемпионатига қуръа ташланди. Унга кўра, мусобақа Қатар ва Ўзбекистон миллий терма жамоалари иштирокидаги ўйин билан бошланадиган бўлди.**

**«А»** гуруҳидан ўрин эгаллаган терма жамоамиз гуруҳ ўйинларида мезбонлардан ташқари Хитой ҳамда қувайтлик футболчиларга қарши майдонга тушади. Шуниси эътиборлики, Хитой миллий терма жамоаси бундан олдинги учта қитъа чемпионати финал босқичи (1996, 2000 ва 2007 йиллар)да ҳам футболчиларимиз билан гуруҳдан жой олишган эди.

Қолган гуруҳлар эса қуйидагича кўриниш олди:

**«В»** гуруҳи: Саудия Арабистони, Япония, Иордания, Сурия.

**«С»** гуруҳи: Жанубий Корея, Ҳиндистон, Австралия, Баҳрайн.

**«D»** гуруҳи: Ироқ, Шимолий Корея, БАА, Эрон.

Эслатиб ўтамиз, қитъа чемпионати финал босқичининг дастлабки учрашуви 2011 йил 7 январь куни бўлиб ўтади.

## ЖАМОАЛАРИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА



**ОЧЛ ҳамда ОФК кубоги мусобақаларининг гуруҳ босқичи ўйинлари ниҳоясига етди. Қитъа миқёсидаги ушбу нуфузли турнирларда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган жамоаларимиз кейинги босқич йўлланмаларини қўлга киритишди.**

Таъкидлаш лозимки, Тошкентнинг «Бунёдкор» ва «Пахтакор» ҳамда Қаршининг «Насаф» жамоаларининг «плей-офф» йўлланмасига эга бўлишлари гуруҳ босқичи сўнгги турида ҳал бўлди. Осиё Чемпионлар лигасининг «С» гуруҳи иштирокчиси – «Пахтакор» Саудия Арабистонининг «Ал-Шабаб» клуби меҳмони бўлиб, минимал ҳисобда мағлубиятга учради – 1:2. Бу натижа Милодраг Радулович шогирдларига гуруҳда иккинчи ўринни эгаллаш имкониятини яратди. Чунки гуруҳнинг «Ал-Айн» (БАА) – «Сепахон» (Эрон) учрашувида кутилга ҳисоб (2:0) қайд этилди. Тўртинчи ва бешинчи тур ўйинларида мағлубият аламини тотиб кўрган «Бунёкор» эса ўз майдонида БААнинг «Ал-Ваҳда» жамоасини қабул қилди. Ўйин олдидан жамоамиздан фақат ва фақат ғалаба қозониш, шунингдек, «Ал-Иттиҳод»нинг Эронда ғалаба қозонмаслиги талаб этилар эди. Хайриятки, иккала вазифа ҳам уддаланди. «Бунёдкор» ўзининг ҳужумкор ўйини билан 4:1 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса, «Зоб Аҳан» ОЧЛнинг икки карра ғолиби «Ал-Иттиҳодни» мағлуб этди.

Илк бор ОФК кубоги турнирида қатнашаётган «Насаф» ҳам гуруҳ ўйинларини муваффақиятли якунлади. Дамашқда маҳаллий «Ал-Жаиш» клубига қарши ўтган сўнгги учрашувда қаршиликлар иродали ўйин намойиш қилдилар. Дуранг натижа жамоага кейинги босқичга чиқиш имконини берувчи бир очкони тақдим этди. Эслатиб ўтамиз, "Насаф" 1/8 финалда «А» гуруҳи ғолибига қарши майдонга тушади.

## ЖАҲОННИНГ ЭНГ ҚИММАТ КЛУБИ

**Нуфузли иқтисодий журнал – «Forbes» жаҳоннинг энг қиммат клублари номини эълон қилди. Журнал томонидан тузилган ўзига хос рейтингни Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси бошқариб турибди.**

Пешқадам клубнинг нархи 1,835 миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳоланган. Иккинчи ўриндан Мадриднинг «Реал» клуби жой олган. Унинг айни пайтдаги нархи 1,363 миллион доллар. Етакчилар учлигини Лондоннинг «Арсенал» клуби (1,181 миллиард АҚШ доллари) якунлаган.

Кейинги ўринларга «Барселона», «Бавария», «Ливерпуль» клублари муносиб кўрилган. Шунингдек, кучли ўнталикка «Милан» (800 миллион), «Ювентус» (656 миллион), «Челси» (646 миллион) ва «Интер» (413 миллион) киритилган. Айтганча, жаҳоннинг энг қиммат футбол клублари йигирматалигини ҳатто Англия премьер лигасида ҳам қатнашмайдиган «Ньюкасл» якунлаб берган. Унинг баҳоси 198 миллион АҚШ доллари деб баҳоланган.

## БИР ПОҒОНА ЮҚОРИ

Халқаро Футбол Ассоциацияси – ФИФА миллий терма жамоаларнинг апрель ойи рейтингини эълон қилди.

Ушбу рейтинг натижаларига кўра, айни пайтда Бразилия терма жамоаси биринчи ўринни эгаллаб турибди. Испания, Португалия, Голландия ва Италия терма жамоалари дастлабки бешликни якунлаб беришган.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси март ойига нисбатан бир поғона юқорига кўтарилишга муваффақ бўлган. Вадим Абрамов жамоаси ҳозирги пайтда 94-ўринни банд этган. МДҲ давлатлари ичида Россия терма жамоаси пешқадамлик қилмоқда. Россияликлар 11-ўриндан жой олишган. 20-ўриндаги Австралия терма жамоаси эса Осиё қитъаси миқёсида биринчи бўлиб турибди.

**Акбар РАСУЛОВ.**

Маърифат сабоғи

# ҲИДОЯТ САРЧАШМАСИ

### ТЎҒРИ ЙЎЛ

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо — саллалоҳу алайҳи васаллам — ўз умматларини одоб-ахлоқли, олий ҳимматли бўлишга, ширинсуханликка, ўзгалар обрўсига тажовуз қилмасликка, камтарликка, кибру ҳаводан узоқлашишга, мўминлар билан чиройли муомалада бўлишликка, мўмин киши билан гаплашганда очиқ юз, табассум билан туришликка ундар эдилар. Ушбу ва бошқа чиройли хулқлар ул зотибосафонинг сифат ва сулуклари эди. Эй мўмин биродарим, Пайғамбаримиз сўзлари ва васиятларини тингла ва унга қизиқ, зеро, бутун хайрлик ва саодат андадур. Мана ҳикматли ва насиҳат сўзларидан бири: «Ҳеч кимни сўкма. Савобли ишни кичик демай қилавер. Биродаринг билан сўзлашганда чеҳранг очиқ бўлсин. Биров сендаги камчиликни айтиб сўкса, сен ундаги айб билан сўкиб устидан кулма. Шунда гуноҳи унга бўлади». (Абу Довуд ва Термизий ривоятлари). Бу ҳадисни ривоят қилган ровий Абу Жарий айтадики: «Шу ҳадисни эшитганимдан сўнг на ҳур одамни, на ҳайвонни сўкмадим».

Ўз ота-онасини лаънатлаш — ёмон хулқлардан бири. Бу ҳам айб, ҳам катта гуноҳдир. Ҳадиси шарифда айтилади: «Катта гуноҳларнинг каттаси — бу ўз ота-онасини лаънатлашликдир». Сўрадилар: «Ё Расулуллоҳ, қандай қилиб ўз ота-онасини лаънатлайди?». Жавоб бердики: «Бировнинг ота-онасини сўкканда у ҳам бунинг ота-онасини сўкади-ку!» (Бухорий ривояти).

Ақли комил бўлган ҳар бир мўмин жаннатда сиддиқлар, яъни, улуғ зотлар билан бирга бўлиб, олий даражаларга эришмоқликка қизиқади. Бундай даражалар лаънатни кўп айтувчи одамга насиб бўлмайди. Эҳтиёт бўлинг ундан! Ҳадиси шарифда келмишки: «Сиддиқ одам лаънатчи бўлмайди» (Муслим, Ҳоким ва бошқалар ривояти).

Мана, Абу Бакр Сиддиқ — розияллоҳу анҳуни кўринг. Ўз қулларидан бирини лаънатлаб қўйганлари учун Расулаллоҳ — алайҳиссаломдан қаттиқ койиш эшитдилар ва бу айбларини ювиш учун каффоратига бир қул озод қилдилар. Сўнг сўз бердиларки: «Иккинчи бор бу ишга қайтмайман».

Лаънатловчи одам қиёмат куни икки улуғ неъматдан, яъни, шафоат қилиш ва шаҳидлик мартабасига эришишдан маҳрумдирлар, деганлар жаноби Расули Худо — алайҳиссалом.

Мўмин бўлатуриб, тилида лаънат айтадиган одамга шунчалик қаттиқ танбеҳлар бор экан, эй дўстим, сен бутун иймонли бўлгинким, гуноҳ ишлар иймон нурини хиралаштиради, савобли ишлар эса уни зиёда этади.

Эй мусулмон биродарим, чиройли хулқ соҳиби бўлгин. Ҳақорат ва лаънат жаримасидан узоқлаш. Мўмин кишига бу каби сифатлар ярашмайди. Ширинсўз, очиқ юзли бўлгин, сени-ю бизни Ўзи ҳидоят этиб хушхулқ бандалардан қилгай!

### ҲАЛОКАТЛИ ГУНОҲЛАРДАН САҚЛАНИНГ!

Раҳмат пайғамбари бўлмиш Муҳаммад Мустафо — саллаллоҳу алайҳи васаллам — барча мўминларнинг жаннат аҳлидан бўлишларини истаганлар ва бунинг йўлини ҳам кўрсатиб берганлар. У ҳам бўлса соф иймондан сўнг Аллоҳ буйруқларини бажариш ва қайтарган ишларидан қайтишдир. Шундагина мўмин Аллоҳнинг азоби ва ғазабидан ҳамда оташи дўзахдан халос топади.

Эй мўмин биродарим, вақтинчалик ҳаром лаззатнинг ортидан бу дунёда пушаймонлик, у дунёда азоб бўлганидан кейин, ақлли киши уни ихтиёр этадими? Ахир, шариатимизда ҳалоллик билан ҳам лаззат олиш йўллари бор-ку! Никоҳли хотин, кенг ҳовли, ширин таомлар кифоя эмасми?

Жаноб Пайғамбаримиз ўз ҳадисларида еттита ҳалокатли гуноҳлар — ширк, сеҳр, қотиллик, судхўрлик, етимлар молини ейиш, жангдан қочиш ва зинодан четланишингизни буюрганлар.

Ҳалокатга етакловчи яна бир катта гуноҳ — бу ота-онага оқ бўлиш. Бу ёмон иллатни ҳозирги кунда имоннинг заифлиги, ғарб маданиятининг ҳуррият номи билан ёшларимиз онгига сингиб бориши натижасида пайдо бўлган бебошлик десак тўғри бўлади. Оқпадарлик — бу жамиятни хароб қилади. Бошқа бир ҳадиси шарифларида Расулуллоҳ алайҳиссалом — оқпадарликни ҳам ҳалок этувчи гуноҳ ишлардан санаб ўтганлар.

Бировни йўқ айби билан қоралаб туҳмат қиладиган одамларни Расулуллоҳ — алайҳиссалом — қаттиқ огоҳлантириб, дўзахда азобланиши тўғрисида хабар берганлар. Аллоҳ сақласин! Эй мўмин биродарим, бундай азобга сабаб бўлувчи иш ва гаплардан узоқ юргин. Тилингни тийгин, ҳалок бўлмагин. Ҳадиси шарифда келмиш: «Ҳар ким бировни йўқ айби билан қоралаб гапирса, Аллоҳ Таоло уни то исботлаб бергунга қадар жаҳаннам ўтида ҳибсда сақлаб туради» (Табароний ривоятлари).

### ИСЛОҲ — БУ ОҚИЛЛИК

Ҳар бир ақл эгаси бўлган мусулмон ўз жамиятини тинч-тотув, ўзаро меҳр-муҳаббатли, ҳамфикр ва ҳамкорликда бўлишини истайди.

Аммо табиатидан ёмонлик ва ёвузлик ўрин олган бир тоифа одамлар ҳам борки, улар жамиятда адоват ва хусумат ҳукм суришини хоҳлайдилар. Одамлар ўртасига фитна уруғини сепадилар, ораларига раҳна солиш учун чақимчилик қиладилар. Натижада душманлик ва ғайрлик пайдо бўлади. Улар энг ёмон одамлардир.

Лекин яна шундай одамлар борки, дўстлар ўртасида пайдо бўлган фитна ва хусуматлар, қариндошлар орасидаги гина-адоватлар уларнинг виждонларига азоб беради, уларни ўз ҳолларига қайтариб, бузғунчилар ишини қайта ислоҳга келтиришга ҳаракат қиладилар. Аллоҳ Таоло ислоҳга тарғиб этади, балки буюради: «Мўминлар ўзаро биродардурлар», «Садақага буюриш, хайрли ишларга ундаш ёки одамлар ўртасини яраштиришга доир гаплардан ўзга гаплашишларда яхшилик йўқдир».

Ҳадиси шарифларда ҳам ислоҳнинг фазилати ва савоби улуғланади. Масалан: «Инсон бармоқларининг ҳар бир бўғими учун садақа вожибдир. Ҳар куни икки киши ўртасини яраштириш садақадир. Бировни уловига минишига ёки ортишига ёрдамлашиб юбориш ҳам садақадир. Масжидга намоз ўқиш учун қўйилган ҳар бир қадам ҳам садақадир. Йўлда ётган ёт нарсани четга олиб қўйиш ҳам садақадир. Ширин сўз ҳам садақа ҳукмидадир» (Бухорий ва Муслим ривоятлари).

Жаноб Расулуллоҳ — алайҳиссалом — икки аразлашганлар ўртасини яраштиришнинг фазлу савобини таърифлаб деганларки: «Икки томонни ислоҳ ила яраштириб қўйишлик рўза, намоз ва садақадан ҳам ортиқ савобли ишдир. Ўртани бузилиши қирғинлик боисидир. Сочни эмас, динни қиради у».

Юқоридаги ҳадиси шарифга қараганда ўртани тузатувчи одамга рўза, намоз ёки садақани тарк этса бўлаверар экан, деган хулосага келиш керак эмас. У учови ўз ўрнида фарз. Ислоҳ ҳам ўз ўрнида катта хайрли иш. Савоби ортиқ деган билан уларни инкор қилган бўлмайди. Яна шуни билмоқ керакки, икки кишининг уришаётганликларини кўриб қолган одам намоз вақти бўлса ҳам, кучи етса уларни айриб қўйиш билан шуғилланиши зарур бўлади. Шунингдек, бирор манфаатли ишни бажариш ёки бирор ёмон ишнинг олдини олиш учун намозни ўз вақтидан тахир қилиш жоиздир. Аммо бу намозни бутунлай тарк қилиш дегани эмас, албатта.

Ўртани ислоҳ этиш учун ҳатто ёлғон сўз ишлатишга ҳам рухсат берилади. Масалан, иккита аразлашиб юрганларнинг бирига бориб: «Сизни у жуда мақтаб гапирди», дейиш билан унинг ғазабини сўндириш мумкин. Бу шаръан ёлғонга ўтмайди. Ҳадиси шарифда айтилади: «Икки киши ўртасини яраштириш учун айтилган ёлғон сўзлар ёлғон эмас».

Амаллар ичида фазилатли, савобли ишлар кўп. Лекин улардан кўра ҳам фазли ва савоби ортиқроқ ишлар ҳам бор. Улардан бири ўртани ислоҳ қилиш, кўпчиликка зарари тегиши мумкин бўлган ишларнинг олдини олишдир.

Ҳадиси шарифда келмишким: «Садақанинг афзали – бу ўртани ислоҳ этишдир». Бинобарин, эй мусулмон биродарим мана шундай хайрли ишга шошил. Барча эзгу ишларга калит, ёмон ишларга қулф бўлгин.

Ўртани ислоҳ этиш фойдали тижорат янлиғ амалдирким, ундан Аллоҳ ва унинг Расули рози бўлғайдир. Одамлар ўртасини ислоҳ этиб, уларни бир-бирига яқинлаштириб юриш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди, балки Аллоҳ тавфиқ берган, нияти ва дили пок бўлган, аразлашган ёки хафалашганларни кўрса дарҳол яраштириб қўйишга ёрдам берган бандаларигина бундай ишга қўл урадилар. Ҳадиси шарифда бу ҳақда башоратли гаплар бордир. Масалан, Он ҳазрат демишларки: «Кимки одамлар ўртасини ислоҳ этса, Аллоҳ унинг ишини ислоҳ этур ва яраштириш учун айтган ҳар бир сўзи учун бир қул озод қилганнинг савобини битур ҳамда уйига гуноҳи кечирилган ҳолда қайтур».

Аллоҳ Таоло ҳаммамизни дўстлар ўртасини ислоҳ этиш билан хотимамизнинг чиройли бўлишига муваффақ этсин!

**Шайх АБДУЛАЗИЗ МАНСУР,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.**

ADOLAT
Inson manfaatlari — oliy qadriyat
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
adolatgazeta@mail.ru

Бош муҳаррир
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

**Телефонлар:** қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият – 233-41-89; Партия ҳаёти, мафкура, сиёсат, маданият ва спорт бўлими — 236-57-14; Иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт, реклама ва шартномалар бўлими — 236-54-39

**Манзил:** *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Алишер МЎМИНОВ, Жовдатхон ИНОҒОМОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Иқбол МИРЗО, Муҳаммад АЛИ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Светлана ОРТИҚОВА, Талъат МУРОДОВ, Қодир ЖЎРАЕВ

Нашр учун масъул
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100 | ISSN 2091-5217

Навбатчи муҳаррир — Номоз САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи — Эминжон ЮЛДОШЕВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 300. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 3581. Босишга топшириш вақти – 22.45 Босишга топширилди – 23.00 1 2 3 4 5 6 7 8